Alimjon DADAMUHAMEDOV.
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, Senior teacher of the «Department of Modern ICT» a.dadamuhamedov@iiau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

ИСЛОМ МАВЗУСИГА ОИД ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ДАСТУРЛАР ЯРАТИШДА ИНФОРМАЦИОН КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННЫХ И КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗРАБОТКЕ РЕЛИГИОЗНЫХ И ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ПРОГРАММ ПО ИСЛАМСКОЙ ТЕМАТИКЕ

THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN THE DEVELOPMENT OF RELIGIOUS AND EDUCATIONAL PROGRAMS ON ISLAMIC SUBJECTS

Калит сўзлар: *дастурлаш, алгоритм, ислом, тарих, visual basic, C++, GPS, SMS, маълумотлар базаси, веб-сайт ахборот технологиялари, ривожланиш, электрон манбалар, библиотека.*

Ключевые слова: *программирование, алгоритм, ислам, история, Visual Basic, C ++, GPS, SMS, база данных, веб-сайт, информационные технологии, разработка, электронные ресурсы, библиотека.*

Keywords*: programming, algorithm, Islam, history, Visual Basic, C ++, GPS, SMS, database, website, information technology, development, electronic resources, library.*

Кириш. Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ташкил этилган Ислом цивилизацияси маркази, Ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Ҳозирда «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедраси томонидан олиб борилаётган маънавий, маърифий, илмий ва тарихий меросларимизни англаш, уларни тиклаш, чуқур тадқиқ қилиш, тадқиқот натижаларини амалда жорий этишга йўналтириш бўйича қилинаётган ишлар давримизнинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу борада кафедра профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари томонидан «Таассуф намояндалари» мультимедиали интерактив ўқув қўлланма, Андроид тизимида Абу Мансур ал-Мотуридий илмий мероси ва Мотуридия таълимоти, «Ўрта Осиё олимлари қомуси мобил иловаларини яратиш», «Марказий Осиёлик мутакаллим олимларнинг илмий мероси» мультимедиали интерактив қўлланма, «Ўзбекистон – буюк алломалар юрти» мавзусида виртуал дастурий маҳсулот, «Ҳадис илмий мактаби» мултимедиали дастурий восита, «Халқаро ва минтақавий ислом ташкилотлари» ҳақида мультимедиали дастурий таъминот, «Тошкент шаҳри масжидлари дислокацияси онлине харита ва 3D моделлар», «Ўзбекистонда ислом цивилизацияси» номли автоматлашган ахборот тизими, «Муқаддамат-ул адаб» китоби дастурининг андроид мультимедиали платформаси, Бухородаги зиёратгоҳлар Web сайтини оптималлаштириш, дастурий ишланмалар яратилиб, уларни амалиётда қўллаш устида илмий-амалий ишлар олиб бормоқдалар. Жумладан, Бухородаги зиёратгоҳлар Web сайтини оптималлаштириш дастурий ишланмасини ахборотлаштириш ва компютерлаштириш даврида сайёҳлик соҳасида ҳам ахборотни сотиш ва уни узатиш бўйича янгича ёндашувларга олиб келди [4; 12 б.].

Долзарблиги. Дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ва ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили диний-маърифий соҳадаги фаолият самарадорлигини оширишни ва малакали кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни тақозо этмоқда. Халқимизга азал-азалдан хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилатлар ва қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда диний-маърифий соҳа вакилларининг ўрни ва иштироки оширилмоқда [11; 12 б.]

Академиянинг халқаро майдондаги имиджини ошириш, салоҳиятини намойиш этиш, хорижлик фуқароларни академияда ўқишга кенг тарғиб қилиш имкониятини ошириш мақсадида унинг янги расмий веб-сайти – www.iiau.uz яратилди, ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида буклет, брошюра, проспектлар, реклама роликлари тайёрланди, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари орқали тарқатилди. Академиянинг фаолиятига доир мақолалар маҳаллий оммавий ахборот воситала-

Замонавий ахборот технологиялари диний-маърифий дастурлар яратишда салмоқли ҳисса қўшмоқда. Қуръон, хадис, тарихий қўлёзма манбаларни электронлаштириш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда. Ота-боболаримиз томонидан қолдирилган қадимий асарларни дунёга танитиш, келажак авлодга ўз асл ҳолатида кўрсатиш мақсадида яратилган дастурий таъминотлар таҳлил қилинган. Мазкур дастурий комплекслардан ислом билим юртлари, малака ошириш курсларида фойдаланиш мумкин. Ислом мавзусига оид электрон манбаларни ишлаб чиқиш жараёнида Php, WordPress, Yii2 framework, Joomla, Visual Basic, C++ каби замонавий дастурлаш тилларидан фойдаланилган. Ушбу мақола ислом мавзусига оид электрон манбаларни яратиш ва такомиллаштиришга қаратилган замонавий дастурлаш тиллари ва интернет-технологияларни таҳлил қилишга бағишланган. Мақоланинг амалий аҳамияти минтақада ислом мавзусига оид электрон манбаларнинг фаолиятини қўллаб-қувватловчи замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллашдан иборат.

Современные информационные технологии вносят значительный вклад в развитие религиозных и образовательных программ. Электронизация Корана, Хадисов и исторических рукописных источников остается актуальной сегодня. Программное обеспечение было создано для того, чтобы представить миру древние произведения наших предков и представить их следующему поколению в их первоначальном виде. Эти программные пакеты могут быть использованы в исламских учебных заведениях и на курсах. Современные языки программирования, такие как Php, WordPress, фреймворк Yii2, Joomla, Visual Basic, C ++, использовались при разработке исламских источников. Данная статья посвящена анализу современных языков программирования и интернет-технологий, направленных на создание и совершенствование электронных источников по исламской тематике. Практическая значимость статьи заключается в использовании современных информационных и коммуникационных технологий, поддерживающих работу электронных источников на тему ислама.

Modern information technologies make a significant contribution to the development of religious and educational programs. The electronization of the Qur'an, Hadith and historical manuscript sources remains relevant today. The software was created in order to present to the world the ancient works of our ancestors and present them to the next generation in their original form. These software packages can be used in Islamic educational institutions and courses. Modern programming languages, such as Php, WordPress, the Yii2 framework, Joomla, Visual Basic, C ++, were used in the development of Islamic sources. This article is devoted to the analysis of modern programming languages and Internet technologies aimed at creating and improving electronic sources on Islamic topics. The practical significance of the article lies in the use of modern information and communication technologies that support the work of electronic sources on the topic of Islam.

ридан ташқари Россиянинг ва Мисрнинг Ал-Азҳар мажмуаси сайти ва ижтимоий тармоқларида ҳам берилди [1].

Қўлланилган усуллар. Тадқиқот давомида монографик тадқиқот, статистик ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили.

Мамлакатимизда ислом мавзусига оид электрон дастурларни ривожлантириш, диний-маърифий муҳитни яхшилашда, ғоявий иммунитетни мустаҳкамлашда унинг ролини ошириш ва шу орқали келажак авлодга исломнинг асл моҳиятини тушунтириш дунё бозорида ўзбек дастурчиларининг маҳсулотларини кўпайтириш, маҳсулот салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади. Мазкур фаолият шак-шубҳасиз фойдаланувчиларнинг миллий контентини ривожлантириш ва бевосита ахборот билан таъминлаш, замонавий ахборот технологиялари ечимлари ва компьютер дастурларини ишлаб чиқиш, ахборот бозори субъектларига уйғунлашган ҳолда ишлаш, жумладан, халқаро миқёсда мамлакатимизнинг ҳақиқий имиджини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади, яратилган ислом мавзусига оид электрон дастурлар бугунги миллий контентимизни диний соҳага оид бўлган манбаларнинг ошишига хизмат қилади. Бугун тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган шиддатли ва айни пайтда ўта мураккаб замонда яшамоқдамиз. Мутахассислар бу тезкор даврни «оммавий ахборотлашув» ёхуд «глобаллашув асри» деб аташмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, муқаддас динимиз, бой тарихимиз, азалий урф-одатларимиз, она тилимиз – буларнинг барчаси Ўзбекистон келажагини белгилайдиган мустаҳкам пойдевордир. Унинг бузилиши эса миллатимизни таназзулга етаклайди.

Соғлом руҳиятга эга бўлган шахслар оилада тарбияланади. Фарзанд дунёга келгандан сўнг асосан оила аъзолари даврасида бошланғич ҳаёт дарсини олади. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган ажойиб нақл бор. Жамиятда фарзандимизнинг яхши фаолият юритишига замин яратишимиз лозим. Бунинг учун уларнинг кун тартибини яратиш, ҳар бир фойдаланган техник воситаларини меъёр даражасини белгилаш қатъий талаб этилади. Айрим ахборотлар бизнинг руҳиятимизга, тинч ҳаётимизга рахна солмоқда. Биз буларни «информацион таҳдидлар « деб атаймиз. Мустақил Ўзбекистонимиз дунё билан бўйлашган, ҳар соҳада ўз ютуқларига эришган бир пайтда бундай таҳдидлар сони кўпайиб бормоқда. Информа-

ционтаҳдидлар таъсирига тушиб қолиш ёки вертуал макондан нотўғри файдаланиш асосан, ёшлар ўртасида кўпроқ кузатилади. Инсон мияси ўзига тегишли бўлган ва тегишли бўлмаган ҳар қандай маълумотларни бир хилда қабул қилади ва оз фурсат ўтиб ўз муносабатини билдиради [2].

Улуғ аллома-ю авлиёларнинг қадамжоларига бориб, уларни зиёрат қилиш ва шундай азиз масканда тоат-ибодат қилиб, улар орқали Яратгандан ўз ниятларини қай ҳолатда сўраш қоидалари омма орасида кенг тарқалган. Охиратни эслаш эса кишини ёвузликдан узоқлаштириб, эзгуликка яқинлаштиради. Қадамжо ва зиёратгоҳларга бориш, уларни эъзозлаш диний қадриятлардан бири бўлиб, аҳолини ахлоқий ва маънавий фазилатлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилади. Шунинг учун ҳам зиёратгоҳлар халқимиз томонидан ҳамиша қадрлаб келинади [3; 12 б.].

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони лойиҳаси тўртинчи бўлимида таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўришга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда соҳаларига инновацияларни жорий этиш бўйича ахборот ва телекоммуникация технологияларини фан йўналишларига, ишлаб чиқаришдаги амалий масалаларни ечишга татбиқ этиш зарур. Бу эса ахборот ва телекоммуникация соҳасида етук мутахассисларни тайёрлашни талаб этади [11].

Мобил технологиялар сотувда жуда муҳим рол ўйнайди. Бугунги кунда саёҳатчилар мобил телефонидан ҳаво сафарлари учун ҳақ тўлашлари, рўйхатдан ўтиш ва чиқиш учун керакли штрих маълумотларни олишлари мумкин. Ахборот оқимлари туристик хизматлар ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи хизмат ҳисобланади. Улар нафақат ахборот оқимлари шаклида, балки хизматлар ва тўловлар шаклида ҳам ҳаракат қилишади [5].

Технологияларнинг ривожланиши мобил телефон авлодларининг такомиллашиб боришида, яъни уларнинг ҳажми оптималлашиши, алоқа сифатининг яхшиланишида, фойдаланувчиларга қулайликлар яратиш мақсадида бир неча турдаги алоқа воситалари вазифаларини жамлаб, афзалликларга эга бўлишида кузатилди. Улардан энг аҳамиятлиси интернет тармоғига уланиш имкониятининг яратилганлигидадир. Натижада интернетдаги мавжуд қулайликлар «мобил шакл»га эга бўла бошлади [6; 11 б.]

Ислом динининг муқаддас манбаларини ўзбек тилига таржима қилиш ва бу борада электрон адабиётлар, дастурлар яратиш ҳаракати давом этган. Бу даврда бир қатор мусулмон олимлари етишиб чиқиб, кўплаб асарлар ёзиб қолдирдилар. Бу асарлар мусулмонлар учун ўз динларини ўрганиш бобида бирламчи қўлланма ҳамда ислом динининг маҳаллий муҳитга мослашув жараёни учун мустаҳкам назарий асос бўлиб хизмат қилди [7] .

Миллий анъана шаклида ўзбекларнинг урф-одатларига сингиб кетган меҳмондўстлик, ўзини камтар тутиш каби юксак фазилатлар билан бир қаторда, ёш фарзандларга маросимларда ҳолва едириш, белбоғ боғлаш, «жавонмард бўл» деб дуо қилиш ўзбекларнинг удумларидан ҳисобланади. [8]

Ўзбекистон халқаро ислом академияси бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги илм даргоҳи ҳисобланади. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилиши халқимизнинг муқаддас эътиқоди – ислом динига оид бой маънавий-маданий меросини тиклаш, буюк алломаларимизнинг диний, маданий ва маърифий асарларини чуқур ўрганиш имкониятларини очди. Жумладан, ҳам диний, ҳам дунёвий фанларни уйғунликда ўрганиш, илмий-назарий ёндашиш тамойилларига асосланиб, бу соҳада ҳар томонлама илмий тадқиқотлар олиб боришга қодир юқори малакали кадрлар тайёрлаш академия фаолиятининг асосий вазифаларидан биридир [9; 11 б.]

Ислом мавзуига оид электрон манбалар талабаларда, халқимизнинг муқаддас эътиқодида, илмий ва маданий маънавиятимизда ислом динининг тутган ўрни ҳақида олган билимларини электрон адабиётлар, электрон қўлланмалар, электрон дидактик материаллар тайёрлаш орқали бойитишга ўргатиш. Ғоявий кураш иммунитетини мустаҳкамлашда юқори технологияли усулларни қўллай олишга замин тайёрлаш.

Ислом мавзусига оид электрон манбаларни яратиш долзарбдир. Ахборот технологияларини, масофавий таълим, Интернет ва веб технологияларни ривожлантириш тизимли дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш, улардан кенг кўламда фойдаланиш ва уларни жойларга татбиқ қилишдадир.

Бу борада Ўзбекистонда ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларнинг ҳозирги кундаги аҳволи, мониторинги, камчиликлари, уларнинг турли жабҳаларини очишдан иборат.

«1001 фатво», «Қуръони карим», «Ҳадиси шариф», «Манбалар хазинаси», «Исломшунослик

асослари», «Ислом энциклопедияси», «Тафсири Ҳилол», Электрон китоб шаклидаги «Ҳидоя», «Бухоро обидалари» электрон дарслик, «Қуръони каримни ўрганиш», «qur'on.iiau.uz» каби дастур ва веб саҳифалар мисол бўла олади.

«1001 фатво» дастури. Тақдим этилаётган электрон қомусий маҳсулот «1001 фатво» китоби асосида яратилган. Ушбу электрон асардан фойдаланувчи Ислом динига тегишли фатволар бўйича ўз билимларини кенгайтириши, бирон бир фатвони излаб топиши ҳамда олган билимини мустаҳкамлаши мумкин. (1-расм)



Дастурнинг кўриниши (1-расм)

Дастур қуйидагича тузилган. Унда 7 та меню мавжуд бўлиб улар: намоз, таҳорат, рўза, закот, ҳаж, беморлик ва луғат. Намоз бўлими қуйидагича тузилган: саҳифанинг чап томонида фатво рақами берилган. Унда сиз ҳоҳлаган фатвони танласангиз дарҳол ўша фатво пайдо бўлади. Намоз бўлимидаги фатволар сони 861 тани ташкил этади. Саҳифанинг ўнг томонида бошқариш элементлари берилган. Улар кирилча, матн + ва матн -, чоп этиш, видео, қидирув, орқага. Кирилча тугмаси босилса матн кирилча бўлади ёки аксинча лотинча бўлади. Матн = ва матн – лар матнни катта ёки кичик шаклга келтиради. Чоп этиш тугмаси керакли фатвони принтордан чиқаради. Видео бўлимида намозга тегишли лавҳаларни кўришингиз мумкин. Орқага тугмаси босилса дастурнинг асосий саҳифасига қайтилади. Таҳорат, рўза, закот, ҳаж, беморлик бўлими ҳам худди намоз бўлимига ўхшаш тузилган.

Луғат бўлимида исломдаги атамалар изоҳи бўйиша терминларнинг изоҳларини кўриш мумкин. Бирор бир керакли терминини киритсангиз дарҳол топиб беради. Саҳифада матн = ва матн – тугмалари матнларни катта ёки кичик шаклга келтиради. Бу имконият кўзи яхши кўрмайдиган инсонлар учун жуда ҳам қулай имконият. Чоп этиш тугмаси керакли фатвони принтордан чиқаради. Орқага тугмаси босилса дастурнинг асосий саҳифасига қайтилади.

«Қуръони карим» дастури. Тақдим этилаётган электрон қомусий маҳсулот «Қуръони карим» китоблари асосида яратилган. Ушбу электрон асаридан фойдаланувчи «Қуръони карим» бўйича ўз билимларини кенгайтириши, сураларни излаб топиши ҳамда уларни эшитиш имкониятига эга. (2-расм)




«Қуръони карим» дастури кўриниши (1-расм).

Бунинг учун фойдаланувчидан компъютер бўйича махсус билим талаб қилинмайди. Дастур ўрнатилгач дастурнинг асосий менюси ишга тушади. Қуръони каримдан фойдаланиш учун Windows муҳитида ишловчи комъпютер талаб қилинади. Диск DVD-ROM қурилмасига ўрнатилганидан сўнг дастур автоматик равишда юкланади ва экранда кетма-кет дастур логотипи ва дастурнинг биринчи саҳифаси пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда интернет тизими ҳамма соҳаларга кириб келмоқда. Ўзбекистон ўзининг бой маънавий қадриятларига эга. Ушбу қадриятларни, албатта, кўрсата билиш керак бўлади. Ана шу холис ниятдан келиб чиққан ҳолда сайт яратилди.

Qur'an.iiau.uz сайти очилгандан сўнг юқоридаги кўриниш пайдо бўлади. Саҳифанинг ўртасида китоб қўйилган бўлиб, фойдаланувчи ушбу китобни босса асосий менюлардан ташкил топган асосий саҳифага ўтади. Асосий сайтнинг ўнг томонида суралар рўйхати, Қуръон номлари, қироат, қорилар, таржима ҳақидаги саҳифалар берилган. Кераклиси босилса ўша саҳифа юкланади. Дастурчи Маъруфов Абдуваҳҳоб, ёрдамчи Муҳаммадиев Дилшод томонидан яратилган. (3-расм)



Саҳифанинг кўриниши (3-расм).

Ушбу бўлим 3 та фреймлар орқали яратилган. Учинчи фреймда сура рақами, сура номи, оят миқдори, нозил бўлиши тартиби каби рўйхатлар киритилган. Сура танланса суранинг номи, унинг изоҳи ва арабча матни изоҳлари билан юкланади.

«Ҳадис» электрон китоби. Тақдим этилаётган электрон маҳсулот «Сунани Термизий» (Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий), «Илоҳий ҳадислар», ва «1001 ҳадис» китоби асосида яратилган. Ушбу электрон маҳсулот ёрдамида фойдаланувчи ҳадис илми бўйича ўз билимларини кенгайтириши, ҳадисларни излаб топиши, тест топшириши мумкин. (4-расм)



Дастурнинг кўриниши (4-расм)


Дастур ўрнатилганидан сўнг экранда кетма-кет дастур логотипи ва дастурнинг биринчи саҳифаси пайдо бўлади. Саҳифанинг юқори қисмида дастурнинг асосий имкониятларини очиб берувчи қуйидаги пунктлардан иборат бош меню акс этади: «Китоблар», «Ровийлар», Муҳаддислар», «Ҳадис» ва «Ёрдам».

Бош менюнинг биринчи пункти «Китоблар» деб номланиб, у ўз навбатида қуйидаги бўлимлардан иборат: «Илоҳий ҳадислар», «1001 ҳадис», «ал-Жомир ас-Саҳиҳ», «Сунани Термизий» ва «чиқиш». Сунани Термизий менюсида етти мавзу бўйича ҳадислар берилган: таҳорат, витр, намоз, закот, жумъа, сафар, ҳайит. Фойдаланувчи ҳадислар матнини кўриш билан бир қаторда уларни эшитиш имконига ҳам эга. «Илоҳий ҳадислар» менюсида эса фойдаланувчи шундай ҳадисларнинг 92 таси билан танишиши мумкин. 1001 ҳадис қисмида 1001 та ҳадис билан танишасиз. «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» қисмида битта китоб бўйича ҳадислар келтирилган. Фойдаланувчи ўзини қизиқтирган китобига сичқончанинг чап тугмасини келтириб босса дарҳол ўша китоб бўйича ҳадислар чиқади. «Чиқиш» пункти ёрдамида дастурдан чиқилади. «Ровийлар» менюсида ровийларнинг ҳаёт йўллари, нечта ҳадис ривоят қилганлари, туғилган санаси, ким бўлганлиги ҳақида маълумот берилган. Ровийларнинг умумий сони 260 дан зиёд. «Муҳаддислар» мундарижасида эса, муҳаддислар ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Улар Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ибни Можжа, Имом Абу Довуд, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насоий, Молик ибн Анас, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Доримий, Имом Ҳоким, ИмомиШофефй кабилардир. Қайтиш тугмаси ёрдамида дастурнинг бош саҳифасига ўтилади.

Аждодлар меросини ўрганиш. Аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган қўлёзма ёдгорликлар халқимиз тафаккури ривожининг ноёб маҳсули ҳисобланади. Бу бебаҳо жавоҳирлар жаҳоннинг турли мамлакатларидаги қўлёзмалар хазинасига тарқалган ва энг нодир ёдгорликлар қаторидан ўрин олган. Қадимдан маданият, маънавият маркази бўлиб келган Мовароуннаҳр ёзма ёдгорликларга бой асори-атиқаларга эга бўлган давлатлар қаторига киради. Бу бебаҳо манбалар халқимиз тарихини, маънавий меросини ўрганишда улкан аҳамият касб этади.

Манбалар хазинаси электрон дастури. Дастурни яратишда бу соҳада олиб борилган **илмий** тадқиқотлар ҳамда «Манбалар хазинаси» фаолияти билан яқиндан танишиб чиқилди. Дастурнинг **базаси** динамик тарзда ташкил қилинган бўлиб, ихтиёрий вақтда ундаги маълумотларни ўзгартириш имконияти мавжуд. Электрон дастур ишга тушгач экранда унинг бош менюси пайдо бўлади.

Электрон дастур икки қисмдан ташкил топган, яъни биринчи қисм ҳимояланган қисм ҳисобланиб, **у** ходимларга мўлжалланган. Ушбу қисмда адабиётлар базасига ўзгартиришлар киритиш, янги категория ёки янги адабиёт қўшиш, зарур бўлмаган адабиётларни базадан ў**чириш,** дастурни созлаш каби кўпгина имкониятлар мавжуд. Электрон каталогни бошқариш бевосита ушбу қисм орқали амалга оширилади. (5-расм)




Дастурнинг кўриниши (5-расм)

Дастурнинг иккинчи қисми фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, бунда китоб бўйича бевосита қизиқтирган маълумотни олиш, китобнинг асл нусхасидан намуналар кўриш турли мезонлар бўйича базадан қидиришни ташкил қилиш, адабиётлар рўйхатини, ёки ихтиёрий адабиёт ҳақидаги маълумотни файлга сақлаш, ёки босмага чиқариш мумкин. Шунингдек, фойдаланувчилар дастурнинг «Мониторинг» бўлими орқали «Манбалар хазинаси» фондининг айни кундаги статистик кўрсаткичлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, дастур турли усуллар орқали базадан маълумотларни қидириш, кирил ёки лотин ёзувидан фойдаланиш, маълумотларни босмага чиқариш, ёки файл кўринишида сақлаш, дастурда ишлаш бўйича ёрдам олиш каби имкониятларга эга.

Ислом энциклопедияси дастури. Тақдим этилаётган электрон қомусий маҳсулот «Ислом энциклопедияси» китоби асосида яратилган. Ушбу электрон асаридан фойдаланувчи Ислом энциклопедияси бўйича ўз билимларини кенгайтириши, терминларни излаб топиши ҳамда олган билимини мустаҳкамлаши учун тест тизимидан фойдаланиши мумкин. (6-расм)



Дастурнинг кўриниши (6-расм)

Бунинг учун фойдаланувчидан компъютер бўйича махсус билим талаб қилинмайди. Ислом энциклопедияси компакт дискда жойлашган бўлиб, ундан фойдаланиш учун Windows муҳитида ишловчи компъютер талаб қилинади. [10]

Дастур ўқувчи қурилмасига ўрнатилганидан сўнг автоматик равишда юкланади ва экранда кетма-кет дастур логотипи ва дастурнинг биринчи саҳифаси пайдо бўлади. Саҳифанинг юқори қисмида дастурнинг асосий имкониятларини очиб берувчи қуйидаги пунктлардан иборат бош меню акс этади: «Китоб», «Муҳаддислар», «Ровийлар», «Изоҳлар», «Ҳадис илми», «Тест» ва «Ёрдам». Дастурнинг бош менюсининг биринчи пункти «Китоблар» деб номланиб, у ўз навбатида қуйидаги бўлимлардан иборат: «Ислом энциклопедияси» , «Видео», «Чиқиш». Чиқиш пункти ёрдамида дастур ўзининг иш фаолиятини тугатади.

«Ровийлар» менюсида ровийларнинг ҳаёт йўллари, нечта ҳадис ривоят қилганлари, туғилган санаси, ким бўлганлари ҳақида маълумот берилган. Ровийларнинг умумий сони 260 дан зиёд.

«Муҳаддислар» саҳифасида эса муҳаддислар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериб ўтилган. Улар ас-Самарқандий, Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ибни Можа, Имом Абу Довуд, Имом ат-Термизий, Имом ан-Насоий, Молик ибн Анас, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Доримий, Имом ал-Ҳоким ан-Найсобурийлардир. Фойдаланувчи бирор бир муҳаддисни танласа, муҳаддис ҳақида маълумотлар келтирилади. Ушбу маълумотларни овоз билан эшитиш мумкин. «Изоҳлар» бўлимида ҳадис турлари бўйича маълумотлар келтирилган.

«Тест» бўлимида ҳадис бўйича 100 дан ортиқ тестлар келтирилган. Бу қисмда фойдаланувчи ҳадис бўйича ўз билимини текшириш имконига эга. Ҳадис илми менюсида ҳадис ҳақида тўлиқ маълумотлар берилган. «Ёрдам» бўлимида дастур имкониятлари берилган.

Фойдаланиш иш коэффициентини ошириш мақсадида мультимедиа элементларидан фойдаланилган. Ўзбек менталитетига хос ва мос классик мусиқалардан фойдаланилган. Дастурда инновацион технологиялар ва утилиталардан фойдаланилган. Дастур логатип орқали юкланади. Логатип 3-6 секунд таймер ўз ишини тугатгач, асосий менюга уланади. Бу асосий менюга ҳамма формалар уланган. Кичик-кичик формалар катта формаларнинг ичида белгиланган вазифани амалга оширади. Масалан, китоб менюсига 3 та форма бириктирилган. Муҳаддисларда эса html файллари, Интернет компаненти ўзаро база билан боғланган. Маълумотлар базаси html билан бирга овозларнинг базаси ҳамкорликда юкланади.

Ҳамма саҳифаларга enable ва disable операторлари киритилган. Уларнинг вазифаси саҳифаларни пайдо қилади ва белгиланган буйруқ асосида кўринмас қилади. Китоблар менюсининг Ислом энциклопедияси саҳифасида китобнинг базаси бевосита уланган. 1024 та термин ячейкага бўлинган, ячейкалар базалар алфавити бўйича қайси ҳарф биринчи киритилса ўша ҳарф билан белгиланган ячейка шажаранинг биринчи саҳифасига келтиради.

Компъютерда «Қуръони каримни ўрганиш» дастури. Мустақиллик даврида динимизга катта эътибор берилмоқда. Аждодларимиз қолдирган меросга қизиқиш ва уни ўрганишга иштиёқ ошиб бормоқда. Шу жумладан, исломнинг асосий манбаси бўлган Қуръони каримни ўқиш, ёдлаш ва маъноларини билишга бўлган иштиёқ кун сайин чуқурлашмоқда. Биламизки, Қуръони карим араб тилида нозил бўлган ва уни ўқишга хос бўлган бир неча қоидалар мавжуд бўлиб, бу қоидалар мажмуи «Тажвид деб номланади.

Қуръони каримни тажвид билан қироат қилишнинг вожиблии ояти карима, Пайғамбар ҳадислари ва уламоларнинг сўзлари билан таъкидланган. Тажвид қоидасидаги амал қилиш лозим бўлган — идҳом, ихфо, иқлоб, изғор, мад ва махорижу-л-ҳуруф сингари бир қатор илмлар борки, Қуръон тиловат қилувчи бу илмларни билмоғи ва қироат вақтида амал қилмоғи лозим. Акс ҳолда, бир ҳарф ўз махражидан чиқмаслиги ёки вақфнинг ўз ўрнида қилинмаслиги ёхуд сакта қоидаси бажарилмаслиги оқибатида оятнинг лафзи бузилиб, мазмуни бутунлай ўзгариб кетиши мумкин.

Тажвид сўзининг луғавий маъноси «бирор нарсани яхши, кўркам қилмоқ»дир. Тажвид илмига оид рисолалар — «Тажвид», «Тажвиду-л-қуръон», «Илму-т-тажвид» номлари билан машҳур. Тажвид илми ҳарф ва уларни талаффуз қилиш қоидаларини аниқлаб бериш билан шуғулланган учун бу илмни эгаллашда алифбо ҳарфларини ва уларнинг алифбодаги ўринларини билиш керак.

Қуръони каримни ўқишни ўрганмоқчи бўлган кишидан, албатта араб алифбосини билиш талаб қилинади. Чунки араб алифбосидаги ҳарфлар ўзбек алифбосидаги каби катта ва кичик ҳарф каби кўринишда эмас, балки икки ёки тўрт хил кўринишда бўлади, ҳаттоки унда ўзбек алифбосида мавжуд бўлмаган ҳарфлар ҳам бор. Агар бир ҳарф ўзининг махражидан талаффуз қилинмаса, бундай талаффуз бошқа ҳарфни ифодалаши мумкин. У ҳолда айтилган сўз ўз маъносини эмас, балки бошқа бир маънони англатади.

Ушбу ҳолатларни ўрганиб чиққан ҳолда «Қуръони каримни тажвид асосида ўрганиш» дастурини тайёрлашни мақсад қилиб қўйдик. Бундай дастурда фойдаланувчига қуйидаги имкониятлар яратилган: алифбо, ҳаракат, сўзлар, тажвид, қироат.

Алифбони ўргатиш учун алоҳида қисм ташкил қилинган бўлиб, унда алифбонинг тўлиқ кўринишини ва қўшимча тарзда берилган мисолларни кўриш учун имконият яратилади.

Алифбода жами 28 та ҳарф бўлиб, уларнинг 25 таси ундошларни, 3 таси эса чўзиқ унли ва ярим ундошларни ифодалайди. «Ҳамза» ундоши алифбога киритилмаган. Қисқа унлиларни англатувчи ҳарфлар ҳам йўқ.

Мазкур ҳарфларни ифодаловчи товушларнинг хусусиятини белгилашда бу 28 ҳарфнинг ҳар бири нутқ аъзоларимизда ўзининг талаффуз ўрнига, яъни товуш ҳосил бўладиган махражига эга.

Ҳарф махражларини юзаки ўргатишдан кўра техник воситалар ёрдамида ўргатиш анча самарали бўлиб, дастур ёрдамида ўрганувчига ҳарф махражлари аниқ кўрсатиб берилади. Натижада бу ҳолат ўргатувчининг иши анча осонлашувига сабаб бўлади. Дастурда алифбо ҳарфлари тўлиқ берилган ва ҳар бир ҳарф учун алоҳида хрестоматия ёзилган. Дастурда товушлар ҳосил бўладиган махражлар мултимедиа кўринишида берилган. Бу эса ҳарфларни талаффуз қилишни ўрганишда жуда катта имконият яратади.

Араб ёзуви ўнгдан чапга йўналган ёзувдир. Дастурда фойдаланувчига ҳарфларнинг тўрт хил кўринишдаги ёзилиши кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир ҳарф аниматсия ёрдамида ёзиб берилган. Шу тариқа фойдаланувчи ўқиш жараёнида ҳарфларни ёзишдан ҳам хабардор бўлиб боради. (7-расм)



Дастурнинг кўриниши (7-расм)

Ҳаракат. **Араб тилида фақат «а», «и», «у» унлилари мавжуд**. **Ҳар бир унли қисқа ёки чўзиқ бўлади**. **Унлининг қисқа** ё **чўзиқ талаффуз қилинишига қараб**, **сўзнинг маъноси бутунлай**

ўзгариши мумкин. **Қуръони каримда қисқа унлилар «ҳаракат» деб аталадиган махсус белгилар билан ифодаланади. Дастурда бундай ҳаракатлар мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.**

Сўзлар. Дастурнинг «Сўзлар» қисмига Қуръонда учрайдиган сўзлар киритилган. Ҳарфлар билан танишиб, уларнинг устига ёки остига қўйилган ҳаракат билан қўшиб ўқишни ўрганган фойдаланувчи бу қисмдаги сўзларни бирон-бир қийинчиликсиз ўқий олади.

Тажвид. Дастурда тажвидни ўрганиш учун ҳам алоҳида бўлим ташкил қилинган бўлиб, фойдаланувчи ундан тажвид қоидалари билан бир қаторда унинг ўзи ҳақида ҳам етарли маълумот олиш имконига эга.

Қироат. Дастурдаги бу бўлим орқали фойдаланувчи ўз қироатини турли қориларнинг қироатлари билан солиштириши мумкин. Бунда фойдаланувчига ўз қироати билан қорилар қироати ўртасидаги фарқни кўриш учун имконият яратилган.

Жамиятнинг умумий тараққиёти ва таълим даражасини кўтариш илм-фан, таълим, давлат ва тадбиркорлик муассасаларини Интернет-ресурсларга жалб этиш йўли билан Интернет бўғинини ривожлантиришга ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Islomov, Zohidjon (2018) «International Islamic Academy of Uzbekistan – a result of the reforms worth TO THE centurIES,» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 1.
2. Dadamuhamedov, Alimjon. (2019) «Development of national network and corporate networks (in the case of Tas-IX network).» International Journal of Human Computing Studies 1, no. 1 (2019): 1-5.
3. Muhamedov, Ne'matullo (2019) «THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF THE REGION,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 3
4. Xodjayeva, Mavluda («Optimization of Web sites with the help of modern information technologies (on the example of the web site «Етти пир».uz),» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1, Article 16.
5. Dadamuhamedov, Alimjon (2019) «The role of information and communications technologies in pilgrimage tourism in Uzbekistan,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1, Article 17.
6. Abdullayeva, Moxira (2018) «APPROACHES FOR STUDYING RELIGIOUS PROCESS IN CYBERSPACE,» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13.
7. Ernazarov, Odiljon (2018) «The socio-cultural life of Chinese Muslims during the Ming dynasty,» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 11.
8. Usmonov, Ibrohim (2018) «Muslim altruism ideas in the scientists' writings of Maverannahr,» The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 4.
9. Maxsudov, Davronbek. «THE DEVELOPMENT OF TRANSMITTED AND RATIONAL TAFSIRS,» The Light of Islam: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 9.
10. Dadamuhamedov, Alimjon. «Development of national network and corporate networks (in the case of Tas-IX network).» International Journal of Human Computing Studies 1, no. 1 (2019): 1-5.
11. Дадамухамедов А. И. РАЗВИТИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ СЕТИ И КОРПОРАТИВНОЙ СЕТИ (НА ПРИМЕРЕ СЕТИ IX) //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 3-2. – С. 133-137.
12. Дадамухамедов А. И. ВИРТУАЛЬНАЯ МОЛОДЕЖНАЯ ИГРА «СИНИЙ КИТ» УСТРАНЕНИЕ РИСКОВ //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 3-2 (23) – С. 138-142.